

"SOME CAUSES AND FACTORS OF CONFLICTS IN THE EDUCATIONAL PROCESS"

Xudayberdiev Oybek Gafurovich

Master of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Annotation

This article analyzes some of the objective and subjective causes of conflict in the educational process. At the same time, pedagogical conflicts and the factors and stages of their resolution are covered.

Keywords. Conflictogenic, pedagogical conflicts, conflictological culture, Internet addiction, information communication, objective and subjective causes, conflictological competence.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келгани ҳамда жадал ривожланиш йўлига ўтгани жамиятимизга ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Зеро, бу ўзгаришларнинг асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, инсоният ахборотлаштириш орқали

“эволюцион тараққиётнинг янги даврига қадам қўймоқда. Бу шунчаки ўзгартирилган жамиятни қуриш эмас, балки бутунлай янги жамиятдир”. Бундай жамиятни қуриш муаммолари кўп ҳолларда ахборот ва ахборотлаштириш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, катта тадқиқот оламини ташкил қилади.

Мамлакатимизда ҳозир миллий ахборот тизимларини шакллантириш, соҳасини тартибга солиш, ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг **Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар деб номланган бешинчи устувор йўналишида** ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, бунда ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ўқувчиларда интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Бироқ таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг профилактик технологияларини такомиллаштириш, педагогларда конфликтологик маданиятни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, ўқувчиларда аддиктив хулқ-атворни коррекциялашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг тадқиқот ишимизда ахборотлашган таълим жараёнида низоларни юзага келишининг қўйидаги объектив ва субъектив сабаблари аниқлаштирилди:

объектив сабаблар: ўқитувчи ва ўқувчининг функционал-ролли нуқтаи назарларидаги қарама-қаршилиқлар (ўқитувчи ўқувчининг ахборотлар жамғармасига эга эканлигини ҳисобга олмайди); ўқувчининг эркинлигини чекланганлиги (қатъий интизомга риоя қилишнинг талаб этилиши, ўқувчининг қизиқиши ва эҳтиёжларининг ҳисобга

олинмаслиги); қадриятлар тизими, ҳаётий тажриба ва инновацион технологияларни ўзлаштиришдаги фарқлар; ўқувчининг ўқитувчига қарамлиги; ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг баҳолашнинг шартлиги; ўқув материаллари ва реал ҳаётий вазият ўртасидаги фарқли жиҳатлар, ижтимоий беқарорлик ва ҳ.к;

субъектив сабаблар: компьютер ўйинлари, турли **гаджетлар** ва интернетга қарамлик, интернет орқали оммавий маданиятларни ўзлаштириш оқибатида ўқувчида агрессив хулқ-атворнинг намоён бўлиши; ўқитувчида “низоли шахс”га хос хусусиятлар (руҳий таранглик, асабийлик, жаҳлдорлик, қўполлик)нинг мавжудлиги; ўқитувчида коммуникатив компетентлиликнинг шаклланмаганлиги; фанга ўқувчиларни қизиқтира олмаслик, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олмаслик; ўқитувчи ёки ўқувчида шахсий муаммолар, стресснинг мавжудлиги; ўқитувчида конфликтологик компетентлиликнинг ривожланмаганлиги; ўқув жараёнида мустақиллик ва ижодкорликнинг мавжуд эмаслиги. Виртуал дунё таъсири остида ўқувчиларда реал ҳаётий вазиятлардан узоқлашиш, идентивликдаги ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнида диққатни жамлаш, иродавийлик ва мақсадга йўналганлик каби сифатларнинг тўлиқ намоён бўлмаслиги, ўқув материалларини ўзлаштиришдан ортда қолишга олиб келади.

Таълим жараёнида ўқитувчининг инновацион фаолиятга йўналмаганлиги таъсирида келиб чиқувчи қуйидаги низо турлари аниқлаштирилди: ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ (дидактик, ташкилий, коммуникатив); фасилитацион фаолият билан боғлиқлик (ўқувчи учун қулай муҳитнинг яратилмаганлиги ҳамда педагогик-психологик қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги); бошқарувга доир (ўқув-билиш фаолиятини бошқаришга оид, ижтимоий-психологик, инновацион).

Бутунги кунда таълим жараёнидаги ислохотларнинг янги босқичида ўқитувчи ва унинг маҳорати масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Ўқитувчи таълим жараёнига инновацияни бевосита жорий этувчи ва инновацион жараённи ташкиллаштирувчи субъект сифатида баҳоланмоқда. Педагогик жараёндаги инновация эса таълим ва тарбияга оид барча янгиликларни амалийлаштириш, шу асосда таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашни тақозо этади. Мана шундай таълим тизимига оид инновацион йўналишлардан бири – педагогик низолар ва уларни бартараф этиш омиллари саналади.

Машҳур рус олимлардан А.Н.Самарин, Е.И.Степанов, В.Н.Шаленко конфликтология соҳасининг назарий асосларига, унинг миллий хусусиятлари, ижтимоий ўзига хосликлари, конфликтларнинг жамият ҳаёти билан алоқадорлиги, шахслараро конфликтлар, конфликтларнинг ҳуқуқий аспекти, меҳнат жамоасидаги конфликтлар, шу жумладан педагогик конфликтлар масалалари кўпчилик тадқиқотчиларни қизиқтиради[2].

М.М.Рыбакова томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, ҳар қандай ижтимоий низолар каби педагогик низоларнинг келиб чиқишида ҳам бошланғич асос – бу вазият саналади[3]. Низоли вазият – бу объектив нарсалар шахс томонидан субъектив қабул қилинган педагогик жараённинг мураккаб объектив-субъектив ҳолати бўлиб, у иштирокчилар учун аҳамиятли ҳисобланади.

В.И.Андреев низоли вазиятлар “икки ёки ундан ортиқ томонлар – иштирокчиларнинг ёпиқ ёки очик ўзаро курашиши бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзлари учун аҳамиятли бўлган муаммони ечиш мақсади, сабаблари, воситалари ва усулларига эга” эканлигига эътиборни қаратади[4].

В.А.Сухомлинский педагогик низоларни “мактаб фаолиятига хос бўлган жиддий, мураккаб ва кўнгилсиз ҳодиса” деб таърифлайди. Яъни “педагог ва бола ўртасидаги, ўқитувчи ва ота-

оналар ўртасидаги, педагог ва жамоа ўртасидаги низолар – мактаб фаолиятига хос бўлган жиддий, мураккаб ва кўнгилсиз ҳодисадир. Низо кўпинча ўқитувчининг ўқувчи шахси тўғрисида нотўғри ўйлаши сабабли келиб чиқади. Бола шахси тўғрисида ижобий фикрда бўлиш педагогик низолар келиб чиқишининг олдини олади. Низоларга йўл қўймасликка эришиш – ўқитувчининг педагогик зукколигининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Низони олдини олиб педагог жамоанинг тарбиявий кучини сақлайди ва ҳосил қилади” деб таъкидлайди [5, 185-б.].

Назарий таҳлил натижалари низолар, педагогик низолар ва уларнинг моҳияти масаласи педагогика, психология ҳамда бошқарув соҳаларида ўзига хос долзарблик касб этувчи муаммолардан бири эканлигини тўла тасдиқлади.

Тадқиқот натижалари асосида низо мотив, нуқтаи назар, эҳтиёж, қизиқиш, мақсадга қарама-қарши йўналганлик, тўқнашув жараёнида содир бўлиши, низо мураккаб тузилиш ва динамик ривожланиш тавсифига эга эканлиги, конструктив ва деструктив функцияни бажариши ҳамда объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқлиги аниқланди. Аниқланган муаммоларни бартараф этишда шахс конфликтологик маданиятини ривожлантириш зарурлигини ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Педагогик низоларни бартараф этишда бош омил сифатида ўқитувчи шахси, унинг маҳорати ва инсонпарварлиги масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Педагогик жараён сифати ва самарасига таъсир этиши мумкин ўқитувчининг педагогик маҳорати кўринишларидан бири – унинг нечоғлик педагогик низоларни бартараф этиш ва олдини олишга тайёрлигидир.

Низони бартараф этиш ва уни бирор бир ечимга олиб келиш кўп босқичли жараёндир. Низони бирданига ечиб бўлмайди, чунки низо одамлар кўнглида уйғонадиган турли эмоция ва хиссиётлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Шунга кўра, низони бартараф этишнинг ўз босқичлари мавжуд. Ҳар бир босқич учун маълум вақт талаб этилади. Мазкур босқичлар тез, баъзан бир неча сония талаб қилса, бошқалари эса бир неча кунлаб муаммо устида ишлашни тақозо этади. Улар қуйидагилардан иборат:

- вазиятни илк баҳолаш;
- вазиятни таҳлилдан ўтказиш;
- низони бартараф этиш усул, восита ва йўлларини қидириш;
- низони бартараф этишнинг мазкур аниқ вазият учун усул, восита ва йўлларини топиш;
- низони бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқиш ва режага эга бўлиш, мазкур режа ва алгоритмни ҳаётга татбиқ этиш;
- татбиқ этиш жараёнини мунтазам мониторинг қилиш;
- низо ечими бўйича натижаларни хулосалаш ва таҳлил қилиш;
- педагогнинг низо юзасидан рефлексив баҳо ва хулосаларини ишлаб чиқиш.

Ўқитувчи эътибор қаратиши лозим бўлган нарса шундаки, ҳеч бир зиддиятни фақат бир томонлама ҳал этиб бўлмайди. Ҳар қандай низони ечимини топиш учун ҳар икки томоннинг фаол иштироки тақозо этилади. Шундай экан, низони бартараф этиш бу – ҳамкорликда олиб бориладиган жараён саналади. Низони ечимга олиб келиш учун ўз позициялари, фикрлари ва қарашларини трансформация жараёнидан ўтказиш, уларга маълум тузатишлар киритиш талаб этилади. Инсон низони бартараф этиши учун аввало ўз кўнглини, ўз ички дунёсини тартибга солиб олмоғи лозим. Худди шундай ички қалбни уйғотмасдан, шундай ўзгаришларсиз низо бартараф этилмайди.

Ўқитувчи низоли вазиятни ечимга олиб келиш жараёнида қуйидаги хулқ-атвор кўринишларини намоён қилиши мумкин:

а) конфликтоген (ўз эмоцияларини тутиб тура олмаслик, деструктивлик, ўқувчиларга нисбатан жазо чораларини кўриш, ўқувчи ҳаракатларини фақат қоралаш орқали баҳолаш, уни таҳқирлаш ва унга тазйиқ ўтказиш). Низога нисбатан бундай муносабат танланганда зиддият кучаяди, бу эса ўқитувчининг бош педагогик вазифаларига зид ҳолат сифатида баҳоланади. Чунки педагог ўқувчиларни таҳқирлаш ва уларнинг ирода эркини ўзига бўйсундириш эмас, балки ўқувчиларнинг лаёқатлари ва имкониятларини юзага чиқариш фаолияти билан шуғулланиши лозим;

б) низога қаноатли муносабат билдириш (компромиссларга мойиллик кўрсатиш, низони кучайтириб юбормасликка интилиш, ўқувчига нисбатан бағрикенгликка интилиш). Низога нисбатан бундай муносабат зиддиятга сабаб бўлган муаммони инобатга олмасдан, уни бартараф этиш йўлини инкор этиш саналади. Шунга кўра, кўпчилик ҳолларда низо ечимини топиш чўзилиб кетади;

в) низога нисбатан конструктив муносабат кўрсатиш (диққатни муаммога қарата олиш, ҳеч кимни айбламаслик, ўз ҳиссиётларини жиловлай олиш, низо ечимини излаб топиш ва барчанинг эътиборини мана шу мақсадга йўналтириш). Мазкур муносабат зиддиятнинг олдини олиш, уни бартараф этишнинг асоси саналади, томонларда юзага келган ижтимоий-психологик тангликнинг олди олинади, натижада низоли вазият бартараф этилади ва зиддият ечимга олиб келинади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб қуйдаги хулосага келиш мумкин:

- таълимни ахборотлаштириш ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга ахборотлар таъсири остида юзага келадиган ўқувчиларнинг аддиктив хулқ-атвори педагогик низоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди. Виртуал дунё таъсири остида ўқувчиларда реал ҳаётини вазиятлардан узоқлашиш, идентивликдаги ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнида диққатни жамлаш, иродавийлик ва мақсадга йўналганлик каби сифатларнинг тўлиқ намоён бўлмаслиги, ўқув материалларини ўзлаштиришдан ортда қолишга олиб келади.

Таълим жараёнида юзага келадиган низонинг моҳиятини чуқур ва аниқ идрок этмасдан туриб, ҳақиқатан ҳам уни бартараф этиб бўлмайди. Яъни, мавжуд вазиятни келтириб чиқарган конфликтоген омилларни таҳлил этиш лозим. Конфликтоген омиллар низога олиб келиши мумкин бўлган амаллар, саъй-ҳаракатлар, сўзлар, мулоқот ва бефарқлик ҳам бўлиши мумкин. Конфликтоген омиллар моҳиятини аниқ идрок этиш низо моҳиятини англаш учун хизмат қилади. Низо моҳиятини англаш учун у нима сабабдан келиб чиққанлигига жавоб излаш зарур бўлади. Низо сабабларини билиш уни тўхтатиш учун ярос яратиб беради. Яъни зиддиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш орқали мана шу сабабларни томонлар манфаати учун тенг ва мутаносиб, адолатли баҳолаш, низони енгиб ўтиш учун имкон яратилган бўлади.

Шундай қилиб, педагогик низолар ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолиятининг узвий ажралмас қисми ва таркиби бўлиб, ўқитувчи педагогик низолар назарияси ва амалиёти бўйича билим, кўникма ва малакаларга ҳамда конфликтологик компетентлиликка ва конфликтологик маданиятга эга бўлиши лозим.

Конфликтологик маданиятга доир тадқиқотлар таҳлили уни умуммаданият (касбий, психологик, корпоратив)нинг муҳим компоненти сифатида кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатди.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 92 б
2. Самарин А.Н., Степанов Е.И., Шаленко В.Н. Духовные проблемы нашего времени/ Социальные конфликты в контексте глобализации и регионализации. – М.: URSS, 2005. – 280 с.
3. Рыбакова М. М. Конфликт и взаимодействия в педагогическом процессе. – М.: Педагогика, 1991. – 168 с.
4. Андреев В.И. Конфликтология: искусство спора, ведения переговоров, разрешения конфликтов. – М., 1995. – 125 с.
5. Сухомлинский В.А. Болаларга жоним фидо. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 254 б.
6. Алметов Н. Ш. Ўқув-тарбия жараёнида халқ педагогикасининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш /Ўқит. учун. қўлл. – Чимкент Жан. КозМИТИ, 1993. – 90 б
7. Андреева Г.М. Социальная психология / Учебник для высших учебных заведений / Г.М. Андреева. 5-е изд., испр. и доп. – М.: Аспект Пресс, 2003. – 364 с.
8. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: Учебник для вузов. 2-е изд., доп. и перераб. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 496 с
9. Ахмедова М. Педагогик конфликтология. – Т.: ТДПУ, 2014. – 180 б.
10. Баныкина С. В. Конфликтологическая подготовка педагога как условие укрепления взаимосвязи школы и семьи // Образование в школе: опыт, проблемы, инновации / Под ред. Ю. В. Васильева. – М.: ИПК и ПРНОМО, 1996. – С. 42-47.
11. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2007. – 305 б.
12. Давлатшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б